



## RUKN AL-DIN UBAYDULLAH AL-SAMARQANDI: LIFE AND SCHOLARLY HERITAGE

**Sunnatullah Abdullaev**

*Base doctorate at the International Islamic Academy of Uzbekistan*

*Research Fellow at the Imam Maturidi International Research Center*

*E-mail: [sunnatulloh0825@gmail.com](mailto:sunnatulloh0825@gmail.com)*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Rukn al-Din Ubaydullah al-Samarqandi, scholarly heritage, fiqh, kalam, philosophy, Middle Ages, scientific school.

**Received:** 19.09.25

**Accepted:** 20.09.25

**Published:** 21.09.25

**Abstract:** This article analyzes the life and scholarly heritage of the prominent medieval scholar Rukn al-Din Ubaydullah al-Samarqandi. It examines the era in which he lived, the socio-political context, the main directions of his intellectual activity, as well as his contributions to the fields of fiqh, kalam, and philosophy. Furthermore, the article highlights the influence of al-Samarqandi's ideas on later generations of thinkers and the contemporary relevance of his legacy.

## РУКНИДДИН УБАЙДУЛЛОҲ АС-САМАРҚАНДИЙ: ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ

**Суннатулла Абдуллаев**

*Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси таянч докторанти Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими*

*E-mail: [sunnatulloh0825@gmail.com](mailto:sunnatulloh0825@gmail.com)*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Рукниддин Убайдуллоҳ ас-Самарқандий, илмий мерос, фикҳ, калом, фалсафа, ўрта асрлар, илмий мактаб.

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўрта асрларда яшаб ижод қилган машхур аллома Рукниддин Убайдуллоҳ ас-Самарқандийнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳамда олимнинг яшаган даври, ижтимоий-сиёсий муҳит, илмий фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда унинг фикҳ, калом ва фалсафа соҳаларига қўшган ҳиссаси ўрганилди. Шунингдек, Самарқандийнинг илмий қарашлари кейинги давр мутафаккирларига кўрсатган таъсири ва

унинг меросининг бугунги кунда аҳамияти  
хам ёритиб берилди.

## РУКНИДДИН УБАЙДУЛЛОХ АС-САМАРКАНДИЙ: ЖИЗНЬ И НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЕ

**Суннатулла Абдуллаев**

Базовый докторант Академии международного исламоведения Узбекистана,  
Научный сотрудник Международного научно-исследовательского центра им  
Имама Мотуриди

E-mail: [sunnatulloh0825@gmail.com](mailto:sunnatulloh0825@gmail.com)

Ташкент, Узбекистан

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Рукниддин Убайдулла ас-Самаркандий, научное наследие, фикх, калам, философия, средневековье, научная школа.

**Аннотация:** В данной статье анализируются жизнь и научное наследие выдающегося учёного средневековья Рукниддина Убайдуллы ас-Самаркандий. Рассматриваются эпоха, в которой он жил, социально-политическая среда, основные направления его научной деятельности, а также вклад учёного в развитие фикха, калама и философии. Кроме того, освещается влияние научных взглядов Самаркандий на мыслителей последующих поколений и значение его наследия в современности.

**Кириш.** Собик шўролар тузуми мафкурасига кўра ислом динига ҳамда улуг аждодларимиздан қолган бой илмий-маънавий меросга муносабат бутунлай ўзгача бўлгани барчага маълум. Мамоакатимиз мустақилликка эришгач миллий-диний кадрятларимизнинг тикланиши ва узоқ ўтмишда яшаб, ўзларининг сермахсул ижодлари билан ислом динининг барча соҳаларида кўплаб асарлар ёзиб қолдирган алломаларимизнинг ҳаётлари ва бой илмий меросларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш энг долзарб масалалардан бирига айланди.

Бинобарин, буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда улар қолдирган бой маънавий меросларни ўрганиб тадқиқ қилишда мамлакатимиз олимлари томонидан кўплаб илмий ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, бу йўналишдаги тадқиқотлар жамият учун ҳар томонлама муҳим бўлган маънавий комил инсонларни тарбиялаш, қолаверса жамтатда соғлом диний муҳитни шакллантиришда ҳам алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда муҳтарам президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак”[1] деган сўзларини келтириш ўринлидир.

**Асосий қисм.** Хусусан исломшунослик йўналишининг турли соҳаларида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шулар қаторида, ҳадисшунослик, фикҳ, тафсир, ислом тарихи ва бошқаларни келтириш мумкин. Аммо юқоридаги барча илмларга пойдевор ўларок, дебоча сифатида хизмат қиладиган, Қуръон карим ва ҳадис нассларининг моҳиятини очиб берувчи, мужтаҳидлар учун турли ҳукмларни чиқаришда ёрдам берувчи, уларнинг дастгоҳи ўрнида хизмат қиладиган усул ал-фикҳ илми ҳам эътиборга молик соҳалардандир. Шу сабабли усул ал-фикҳ илмига оид манба ва қўлёзмалар устида изланиш олиб бориш ҳам ўзига хос характерга эга иш ҳисобланади. Чунки, ислом тарихи давомида ўтган олимларнинг кўпчилиги, жумладан “Китоб ал-усул” асари муаллифи Абу Бакр Аҳмад ибн Али Жассос (304-371/917-981 й.), “Таквим ал-адилла” асари муаллифи Абу Зайд Убайдуллоҳ ибн Умар Даббусий (367-430/978-1039 й.), “Китоб ал-усул” асари муаллифи Фаҳрул Ислому Али ибн Муҳаммад Баздавий (400-482/1010-1089 й.), Тамҳид ал-фусул фи ал-усул” асари муаллифи Имом Шамсул-аймму Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий (ваф. 501/1108 й.), “ал-Манор” асари муаллифи Абдуллоҳ ибн Аҳмад Ҳофизуддин Насафий (ваф. 710/1310 й.) ва бошқалар усул ал-фикҳга доир буюк кутубхона яратиб, ўзларининг асарлари, уларга ёзилган шарҳ ва хошиялар билан бойитиб келишган.

Ҳозирги кунгача ушбу улкан меросни ўрганиш ва усул илмининг асл моҳиятини очиб бериш ҳали ҳануз долзарб масалалигича қолмоқда. Шундай бўлишига қарамай, VII/XIII асрда яшаб ижод қилган, ўз даврининг кўзга кўринган етук алломаси ҳисобланган шайх Рукниддин Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Самарқандийнинг ҳаёти ва ижодининг ҳамда усул ал-фикҳ ва бошқа илмлар борасида ёзиб қолдирган асарларини ўрганиш, уларда келтирилган муҳим аҳамият касб этади.

Бошқа усул илми мутахассислари каби аллома Рукниддин Убайдуллоҳ Самарқандий ҳам мукаллафларнинг шариат буйруқларини бажаришда кўп бора дуч келадиган муаммоларини ҳал этишга эътиборини қаратган. Шу сабабли, бандаларнинг Аллоҳ таолога ибодат қилишдаги лаёқати ва масъулиятига таъллуқли мавзуларни чуқур ўрганган. Чунки, баъзи ҳукмлар инсон қудрати ва иродасидан ҳоли бўлиб, банда ўша ҳукмларни тўлақонли ёки бир қисмини бажара олмай қолиши мумкин. Бу ўринда усул олимлари ўз ижтиҳодлари ва кўникмаларини ишга солган ҳолда, хоҳ маълум бир мавзуда бўлсин ёки тўлақонли бир китоб шаклида асарлар таълиф этиб, муаммоларни бартараф этишга уринишган.

Абу Муҳаммад Рукниддин Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулазиз ас-Самарқандий (ваф. 701/1301)

Мовароуннаҳрлик олим, фикҳ ва усул ал-фикҳ олими, муҳаддис, мутакаллим, балоғат ва улум ал-қуръонда моҳир бўлган олим Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулазиз Рукниддин Самарқандий ҳақидаги маълумотлар кўплаб тарожим ва табақот китобларида

келтирилган. Улардан Салоҳуддин Халил ибн Абик ас-Софдийнинг (696-764/1296-1263 й.) “Аъён ал-аср ва аъвон ан-наsr”[2] ва “ал-Вофий би ал-вафаёт”[3], Аҳмад ибн Яҳё Шаҳобуддин Умарийнинг (700-749/1301-1349 й.) “Масалик ал-абсор фи мамалик ал-амсор” асарида[4], Маҳмуд ибн Аҳмад Бадруддин Аънийнинг (726-855/1261-1451 й.) “Иъқд ал-жуман фи тарих аҳл аз-заман”[5], Ибн Ҳажар Асқалонийнинг (773-852/1372-1448 й.) “ад-Дурор ал-камина фи аъян ал-маиъат ас-самина” [6] ва “ал-Исоба фи тамйийз ас-саҳоба” номли асарида Имом Заҳабий Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Самарқандийдан қилган ривояти[7], Абдулқодир ибн Муҳаммад Абу ал-Мафаҳир ан-Нуаъиймий ад-Димашқийнинг (845-927/1442-1521 й.) “ад-Дарис фи тарих ал-мадарис”[8], Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Диёрбакрийнинг (ваф. 966/1559 й.) “Тарих ал-хомийс фи аҳвал ан-нафис”[9], Абу Абдуллоҳ Бадруддин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Заркашийнинг (745-794/1344-1396 й.) “Саласил аз-заҳаб”[10] ва бошқалардир.

Олимнинг тўлиқ исми Аллома Шайх Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулазиз Самарқандий Ҳанафийдир. Юсуф ибн Тангриберди (784-813/1410-1460 й.) ўзининг “ал-Манҳал ас-софий ва ал-муставфий баъда ал-вафий” асарида “Боршоҳ” номини ҳам кўшиб, шундай дейди: “Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Шайх Имом обид, зоҳид Рукниддин Боршоҳ Самарқандий Ҳанафий. Дамашққа келиб, дастлаб “Зоҳирия” сўнгра “Нурия” мадрасасида дарс берган”[11]. Алломанинг “Боршоҳ” таҳаллуси Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Диёрбакрий (ваф. 966/1559 й.) нинг “Тарих ал-хомийс фи аҳвал ан-нафис” асарида “Борсо” номи билан ҳам келтирилган[12]. Аммо “Боршоҳ” таҳаллуси тўғрироқ ҳисобланади.

Таҳаллуслари: Мовароуннаҳр диёрида етишиб чиққан Имом Мотуридий, Имом Марғиноний, Имом Косоний, Имом Насафий, Имом Сарахсий каби ва яна бошқа кўплаб олимларнинг ўзгалар томонидан аталган таҳаллуслари бўлгани каби, Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Самарқандий ҳам табақот ва тарожим китоблари турли таҳаллуслар билан зикр қилинган. Қуйида уларнинг баъзилари келтирилади. Улардан энг машҳури “Рукн ад-дин” ёки “Рукниддин” бўлиб, олимнинг бу таҳаллуси Абу Муҳаммад ат-Тоййиб ибн Абдуллоҳнинг (870-947/1466-1541 й.) “Қиладат ан-наҳр фи вафаят аъён ад-даҳр”[13], Салоҳуддин Халил ибн Абик ас-Софдийнинг “Аъён ал-аср ва аъвон ан-наsr”[14] ва “ал-Вофий би ал-вафаёт”[15], Абдулқодир ибн Муҳаммад ал-Қурашийнинг (696-775/1297-1273 й.) “ал-Жаваҳир ал-музия фи тобақот ал-ҳанафия”[16], Умар ибн Ризо Каҳола (1332-1408/1905-1987 й.) нинг “Мўъжам ал-муаллифин” асарида келтирилиб, айнан шу асарда олимнинг исми хато тарзда “Абдуллоҳ” дея айтиб ўтилган[17]. Олимнинг кейинги таҳаллус “Валий ад-дин” бўлиб, Абул Фидо Исмоил ибн Умар ибн Касир (700-774/1301-1373 й.) ўзининг “ал-Бидоя ва ан-нихоя” китобида[18] бунга зиёда ўлароқ, Ибн Касир Убайдуллоҳ Самарқандийни “Зайн ад-дин” таҳаллуси билан ҳам қайд этган[18].

Асқалонийнинг “ад-Дурор ал-камина фи аъян ал-маиъат ас-самина”[18] ва Тақиюддин ибн Абдулқодир ал-Ғозийнинг (ваф. 1010/1601 й.) “ат-Тобақот ас-сания фи тарожим ал-ҳанафия” асарида ҳам олим “Валий ад-дин” номи билан келтирилган[19]. Абдулқодир ал-Қураший “ал-Жаваҳир ал-музия фи тобақот ал-ҳанафия” асарида юқоридаги “Рукн ад-дин” таҳаллусига қўшимча тарзда “Закий ад-дин” таҳаллусини ҳам қўшиб келтирган[20].

Барча манбаларда Рукниддин Убайдуллоҳнинг Самарқанд шаҳрига нисбаси берилсада, унинг туғилган йили ҳақидаги маълумотни топиш қийин. Деярли, ҳеч бир табақот ва тарожим китобларида олимнинг туғилган йили борасида хабарлар келмаган.

Аллома яшаган даврда яшаб у билан ҳамаср бўлган бир қанча ҳанафий мазҳабидаги олимларни келтириш мумкин. Улардан “ал-Мухтор” ва унинг шарҳи бўлмиш “ал-Ихтиёр литаълий ал-Мухтор” асарлари муаллифи Абу ал-Фазл Мажидуддин Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ал-Муслиий (ваф. 683/1285 й.), “ал-Муғни фи усул ал-фикҳ” асари муаллифи Абу Муҳаммад Жамалуддин Умар ибн Муҳаммад Бухорий (ваф. 691/1292 й.), “Зовъу ас-сирож шарҳ ас-Сирожия фи ал-фароиз” асари муаллифи Абу Али Шамсуддин Маҳмуд ибн Абу Бақр Калобозий (ваф. 700/1301 й.), “Канзу ад-дақоик” муаллифи Абу ал-Баракот Ҳафизуддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад Насафий (ваф. 710/1310 й.) ва бошқаларни келтириш мумкин. Шу каби буюк олимлар қатори Рукниддин Самарқандий ҳам ўзининг илмий фаолияти ҳамда асарлари билан замонасининг етук олими сифатида тарихда қолган.

Ҳаётининг аксар қисми ибодат, илм олиш ва таълим бериш, фикҳ, усул-ал-фикҳ, балоғат каби фанларга оид асарлар тасниф қилиш билан ўтказган шаҳид Шайх Рукниддин Самарқандий раҳимахуллоҳ 701/1301 йили мазлум ҳолатда “Зоҳирия мадраса” сида қатл қилинади.

Олимнинг вафоти ҳақида турли манбаларда келтирилган бўлиб, улардан Аҳмад ибн Яҳё Шаҳобуддин Умарийнинг (700-749/1301-1349 й.) “Масалик ал-абсор фи мамалик ал-амсор”[21], Ибн Ҳажар Асқалонийнинг (773-852/1372-1448 й.) “ад-Дурор ал-камина фи аъян ал-маиъат ас-самина”[22], Абдулқодир ибн Муҳаммад Абу ал-Мафаҳир ан-Нуаъймий ад-Димашқийнинг (845-927/1442-1521 й.) “ад-Дарис фи тарих ал-мадарис”[23] асарларидир. Жумладан Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Диёрбакрийнинг “Тарих ал-хомийс фи аҳвал ан-нафис” асарида шундай келтирилади: “701-йил, рафар оий (1301-йил, октябрь) да ҳанафий мазҳаби шайхи аллома Рукниддин Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Самарқандий Борсо (тўғрироғи Боршоҳ) “Зоҳирия мадрасаси”да мударрислик қилиб турган чоғида, пуллари ўмарилиб, жасада мадраса ҳовузига улоқтирилиб юборилган. Бир муддат ўтиб, олимни ўлдирган киши топилиб, у “Зоҳирия мадрасаси” қўриқчиси экани ошкор бўлди. Сўнгра уни айни жойда ўлим жазосига тортилди”[24]. Салоҳуддин Халил ибн Абик ас-Софдийнинг “Аъён ал-аср ва аъвон ан-наسر”[25], Юсуф ибн Тангрибердининг “ал-

Манҳал ас-софий ва ал-муставфий баъда ал-вафий”[26] асарларида олимнинг қотили Али Ҳавроний экани, ҳамда унинг ўзи қатл воқеасидан икки ой ўтиб сўроққа тутилганида гуноҳини эътироф этгани ҳақида ҳам келтирилган. Али Ҳавронийнинг олимни ўлдиришдан асл мақсади Рукниддин Убайдуллоҳнинг молига эгалик қилиш бўлган. Олим унга қаршилиқ кўрсатганида, уни ўлдириб, мадраса ҳовузига улоқтирган[26].

Илмий фаолияти. Олим илк сабоқларни ўз юрти, Самарқанд диёрида ўзлаштирган. Сўнгра Бағдод шаҳрига илм учун сафар қилиб, ўша ерда бир қанча олимларнинг илм ҳалқаларида иштирок этган. Улардан бири сифатида “Ибн ас-Саъатай” номи билан машҳур, ҳанафий олими Шайх Аллома Музаффаруддин Аҳмад ибн Али ибн Саълаб Бағдодийни келтириш мумкин. “Кашф аз-зунун аън асама ал-кутуб ва ал-фунун” муаллифи Ҳожи Халифа (ваф. 1067/1657 й.) ўз китобида ҳанафий мазҳабида ёзилган фикҳий китоблар қаторида аллома Музаффаруддиннинг “Мажмаъ ал-бахройни ва мултақо ан-наҳройни” асарини келтириб, шундай дейди: “Муаллиф бу асарни 690/1291-йили ёзиб тамомлаган. Мажмаъ ал-бахройни китоби тамомила қисқалигидан ёдлашга осон, сўзлари ақл бовар қилмас даражада мўъжазликдан шарҳлаш қийин бўлган ҳамда ўзида кўплаб масалаларни қамраб олган, бениҳоя асардир”[27].

Шайх Музаффаруддин Бағдод шаҳридаги “ал-Мустансирия” мадрасасида устозлик қилган. Аллома Рукниддин Самарқандий ҳам устози Музаффаруддиннинг қўлида таҳсил олиб, 690/1291 йили устозининг “Мажмаъ ал-бахройни” ва “Мултақо ан-наҳройни” номли китобларини ривоят қилиш учун ижоза олган[28]. Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавийнинг (ваф. 990/) “Катаиб аълам ал-ахбар мин фуқоҳаи мазҳаб ан-Нўмон ал-мухтор” китобида келтирилишича[29], Музаффаруддин шогирди Рукниддин Самарқандийнинг дарс олиш чоғида ривоятларни ва қарашларни таржих- кучли деб топишга шошилгани таъкидлаб кетган. Устози Рукниддин Самарқандийга берган ижоза варақасида қуйидаги сўзларни унга васият қилади:

“У (Рукниддин Самарқандий) икки китобнинг бирида учраган лафз ёки бирор бир маънони инкор қилишга шошилмасин. Шунга кўра, мен унга нақлларни таҳрир қилишга ёки улардаги сўзлар ва ривоятлардан тўғрироғини танлашини сўраб қоламан”[30].

Устозининг васиятидан етарлича хулоса олган Рукниддин Самарқандий ўз асарларини ёзишда ўта эҳтиёткорона ёндашади. Амалий ва назарий томонлар яъни эътиқод ва амал борасида ҳам устозининг мазҳабини тутган олим ҳанафий фақиҳлари орасида улғу мартаба ва юксак мақомга эришади.

Маълум муддат Бағдод таълим олган Рукниддин Самарқандий VII/XIII асрнинг сўнгида илмий фаолиятини Дамашқдаги “аз-Зоҳирия” мадрасасида дарс бериш билан бошлайди. Мадрасада олимнинг талабалар билан дарс олиб борадиган илм ҳалқалари

бўлиб, узок муддат шу йўсинда давом этган. Кўплаб инсонлар шайх Рукниддиннинг илмидан ва динидан манфаат олган[31].

Абдулқодир ибн Аҳмад ибн Мустафо (ваф. 1346/1927 й.) ўзининг “Мунадават ал-атлол ва мусамарот ал-хоял” китобида илм даргоҳларига қилган сафарларини келтириб, уларнинг орасида “Зоҳирия” мадрасасини ҳам эслаб ўтган. Муаллиф мадрасани келтирар экан, шундай дейди: “Зоҳирия мадрасаси икки йўналишга яъни ҳанафий ва шофеъий фикрларига бўлинган. У ерда “Жомеъ ас-соғир” соҳиби Содруддин ал-Азройи ва ундан кейин олти устозлар дарс беришади. Улардан бири ўз замонида ҳанафий шайхи ҳисобланган Рукниддин Самарқандийдир”[32].

Илмий мероси. Ҳар бир олимнинг илмий характерини очиб берувчи энг муҳим белгиларидан бири сифатида ўзидан кейин хотирасини жонлантирадиган, номини абадийлаштирадиган ва ортидан савоби етиб турадиган фойдали ҳамда қийматга эга асарлар қолдиришини келтириш мумкин.

Аллома Шайх Самарқандийнинг турли соҳаларда асарлар ёзиб, кўпдан-кўп китоблар муаллифи ҳисобланиши унинг қанчалик даражада дунёқараши кенг, маърифати улуғ инсон эканини кўрсатади. Олимга берилган Аллоҳнинг икромии бисёр бўлиб, улардан бири сифатида ўзидан кейин ислом умматига қолдирган улкан илмий меросини қайд этиш ўринлидир. Қуйида келтириладиган асарлар ҳам, олимнинг қанчалик илмда мустаҳкам, замонасининг улуғ олим эканини кўрсатади.

**Хулоса.** Ўз даврида ҳанафий мазҳабининг йирик олимларидан бири сифатида танилган Убайдуллоҳ Самарқандий калом, фикр, тафсир, ҳадис ва тасаввуф илмларини эгаллади, бу илмлар бўйича асарлар таълиф этди. Асарларини талабалари осон тушунадиган қилиб, систематик услубда ёзди. Китобларида Абу Мансур Мотуридийни “Имом ал-худа” номи билан зикр қилиб, унинг баъзи қарашларини нақл қилган. Шунингдек, Абу Ҳанифа, Абу Лайс Самарқандий, Абул Юср Паздавий, Абул Муъин Насафий каби мотуридийлик намоёндаларига ҳам мурожаат қилган. Бундан ташқари мухалиф мазҳаб ва оқимларга қарши мотуридийлар сафида туриб, ашъарийлик таълимотидаги баъзи масалаларга ўз фикрини билдириб, танқид қилган. Шундай қилиб, ўз даврида мотуридийлик мактабининг кўзга кўринган вакили сифатида эътироф этилган.

#### **Фойдаланилган манбалар рўйхати:**

1. <https://uza.uz/posts/58007>
2. Салоҳуддин Халил ибн Абик ас-Софдий. Аъён ал-аср ва аъвон ан-наср // Д. Али Абу Зайд ва бошқ. таҳқиқи. – Дамашқ: Дор ал-фикр, 1998. – Ж. 1. – Б. 677. ; – Ж. 3. – Б. 207.

3. Салоҳуддин Халил ибн Абик ас-Софдий. Аъён ал-аср ва аъвон ан-наسر // Аҳмад Арнаут ва Мустафо Туркий таҳқиқи. – Байрут: Дор ихя ат-турос, 2000. – Ж. 10. – Б. 44. ; – Ж. 19. – Б. 271.
4. Аҳмад ибн Яҳё Шаҳобуддин Умарий. Масалик ал-абсор фи мамалик ал-амсор. – Абу Даби: ал-Мажмаъ ас-сақофий, 2002. – Ж. 27. – Б. 490.
5. Бадруддин Маҳмуд ал-Аъйний. Иъқд ал-жуман фи тарих аҳл аз-заман // Д. Муҳаммад Муҳаммад Амин таҳқиқи. – Қоҳира: Марказ таҳқиқ ат-турос, 1987. – Ж. 4. – Б. 251.
6. Ибн Ҳажар Асқалоний. ад-Дурор ал-камина фи аъян ал-маиъат ас-самина // Муҳаммад Абдулмуийд Дон таҳқиқи. – Ҳайдаробод: Мажлис даирот ал-маориф ал-усмония, 1972. – Ж. 3. – Б. 242.
7. Ибн Ҳажар Асқалоний. ал-Исоба фи тамйийз ас-саҳоба // Одил Аҳмад Абдулмавжуд ва Али Муҳаммад Муаввад таҳқиқи. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1995. – Ж. 2. – Б. 436.
8. Абдулқодир ибн Муҳаммад Абу ал-Мафахир ан-Нуаъймий ад-Димашқий. ад-Дарис фи тарих ал-мадарис // Иброҳим Шамсуддин таҳқиқи. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1990. – Ж. 1. – Б. 419.
9. Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Диёрбакрий. Тарих ал-хомийс фи аҳвал ан-нафис. – Байрут: Дор содир. – Ж. 2. – Б. 381.
10. Бадруддин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Заркаший. Саласил аз-заҳаб // Муҳаммад ал-мухтор ибн Муҳаммад Амин таҳқиқи. – Мадинаи мунаввара, 2002. – Б. 165.
11. Юсуф ибн Тангриберди. ал-Манҳал ас-софий ва ал-муставфий баъда ал-вафий // Д. Муҳаммад Муҳаммад Амин таҳқиқи. – Миср: Ҳайъат ал-мисрия ал-аъммати лил кутуб, 1984. – Ж. 7. – Б. 406.
12. Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Диёрбакрий. Тарих ал-хомийс фи аҳвал ан-нафис. – Байрут: Дор содир. – Ж. 2. – Б. 381.
13. Абу Муҳаммад ат-Тоййиб ибн Абдуллоҳ. Қиладат ан-наҳр фи вафаят аъён ад-даҳр. – Жидда: Дор ал-минҳаж, 2008. – Ж. 6. – Б. 7.
14. Салоҳуддин Халил ибн Абик ас-Софдий. Аъён ал-аср ва аъвон ан-наسر // Д. Али Абу Зайд ва бошқ. таҳқиқи. – Дамашқ: Дор ал-фикр, 1998. – Ж. 1. – Б. 677. ; – Ж. 3. – Б. 207.
15. Салоҳуддин Халил ибн Абик ас-Софдий. Аъён ал-аср ва аъвон ан-наسر // Аҳмад Арнаут ва Мустафо Туркий таҳқиқи. – Байрут: Дор ихя ат-турос, 2000. – Ж. 10. – Б. 44. ; – Ж. 19. – Б. 271.

16. Абдулқодир ибн Муҳаммад ал-Қураший. ал-Жаваҳир ал-музия фи тобақот ал-ханафия. – Карачи, Мир Муҳаммад кутубхонаси. – Ж. 2. – Б. 212.
17. Умар ибн Ризо Каҳола. Мўъжам ал-муаллифин. – Байрут: Дор ихя ат-турос. – Ж. 6. – Б. 121.
18. Абул Фидо Исмоил ибн Умар ибн Касир. ал-Бидоя ва ан-нихоя // Абдуллоҳ ибн Абдулмуҳсин ат-Туркий таҳқиқи. – Гиза: Дор ҳажар, 2003. – Ж. 17. – Б. 741.
19. Ибн Ҳажар Асқалоний. ад-Дурор ал-камина фи аъян ал-маиъат ас-самина // Муҳаммад Абдулмуийд Дон таҳқиқи. – Ҳайдаробод: Мажлис даирот ал-маориф ал-усмония, 1972. – Ж. 3. – Б. 242.
20. Тақиюддин ибн Абдулқодир ал-Ғозий. ат-Тобақот ас-сания фи тарожим ал-ханафия // Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Хулв. – Ҳалаб: Дор ар-рифайй. – Ж. 3. – Б. 428.
21. Абдулқодир ибн Муҳаммад ал-Қураший. ал-Жаваҳир ал-музия фи тобақот ал-ханафия. – Карачи, Мир Муҳаммад кутубхонаси. – Ж. 2. – Б. 212.
22. Аҳмад ибн Яҳё Шаҳобуддин Умарий. Масалик ал-абсор фи мамалик ал-амсор. – Абу Даби: ал-Мажмаъ ас-сақофий, 2002. – Ж. 27. – Б. 490.
23. Ибн Ҳажар Асқалоний. ад-Дурор ал-камина фи аъян ал-маиъат ас-самина // Муҳаммад Абдулмуийд Дон таҳқиқи. – Ҳайдаробод: Мажлис даирот ал-маориф ал-усмония, 1972. – Ж. 3. – Б. 242.
24. Абдулқодир ибн Муҳаммад Абу ал-Мафахир ан-Нуъймий ад-Димашқий. ад-Дарис фи тарих ал-мадарис // Иброҳим Шамсуддин таҳқиқи. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1990. – Ж. 1. – Б. 419.
25. Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Диёрбакрий. Тарих ал-хомийс фи аҳвал ан-нафис. – Байрут: Дор содир. – Ж. 2. – Б. 381.
26. Салоҳуддин Халил ибн Абик ас-Софдий. Аъён ал-аср ва аъвон ан-наسر // Аҳмад Арнаут ва Мустафо Туркий таҳқиқи. – Байрут: Дор ихя ат-турос, 2000. – Ж. 10. – Б. 44. ; – Ж. 19. – Б. 271.
27. Юсуф ибн Тангриберди. ал-Манҳал ас-софий ва ал-муставфий баъда ал-вафий // Д. Муҳаммад Муҳаммад Амин таҳқиқи. – Миср: Ҳайъат ал-мисрия ал-аъммати лил кутуб, 1984. – Ж. 7. – Б. 406.
28. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун аън асама ал-кутуб ва ал-фунун. – Бағдод: Мактабат ал-мусанно. – Ж. 2. – Б. 1599.
29. Абдулқодир ибн Муҳаммад ал-Қураший. ал-Жаваҳир ал-музия фи тобақот ал-ханафия. – Карачи, Мир Муҳаммад кутубхонаси. – Ж. 1. – Б. 212.

30. Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавий. Катаиб аълам ал-ахбар мин фуқоҳаи мазҳаб ан-Нўмон ал-мухтор // Софва Кўса таҳқиқи. – Истанбул: Мактабат ал-иршод, 2017. – Ж. 3. – Б. 423

31. Салоҳуддин Халил ибн Абик ас-Софдий. Аъён ал-аср ва аъвон ан-наسر. – Ж. 3. – Б. 207.

32. Абдулқодир ибн Аҳмад ибн Мустафо. МунадаMAT ал-атлол ва мусамарот ал-хоял // Зуҳайр Шовиш таҳқиқи. – Байрут: ал-Мактаб ал-исламий, 1985. – Б. 181.